

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОЛМОСОВ РАВШАН ШЕРХОН ЎҒЛИ

**БОШ МИЯ СУРУНКАЛИ ИШЕМИЯСИДА УЙҚУ БУЗИЛИШИНING
КОГНИТИВ ФАОЛИЯТГА ТАЪСИРИ ВА УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Олмосов Равшан Шерхон ўғли

Бош мия сурункали ишемиясида уйқу бузилишининг когнитив фаолиятга таъсири ва уни коррекциялаш..... 3

Олмосов Равшан Шерхон угли

Влияние нарушения сна на когнитивные функции при хронической ишемии мозга и её коррекция..... 23

Olmosov Ravshan Sherkhon ugli

Influence of sleep disorders on cognitive functions in chronic cerebral ischemia and its correction..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОЛМОСОВ РАВШАН ШЕРХОН ЎҒЛИ

**БОШ МИЯ СУРУНКАЛИ ИШЕМИЯСИДА УЙҚУ БУЗИЛИШИНING
КОГНИТИВ ФАОЛИЯТГА ТАЪСИРИ ВА УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2771 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Якубова Мархамат Миракрамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашева Наргиза Обиджоновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Хакимова Сохиба Зиядуллоевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

С.А. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) таҳмини бўйича 2050-йилда ҳар 10 тадан бир инсон 60 ёшдан катта бўлади¹. Ҳозирги кунда ер юзининг 10 млн.дан ортиқ аҳолиси цереброваскуляр касалликлардан азият чекади. Россияда бу кўрсаткич умумий аҳолисининг 5% ва меҳнатга лаёқатли контингентнинг 30% га яқин. Бош мия сурункали ишемияси (БМСИ) – цереброваскуляр патологиянинг асосий қисмини ташкил этиб, охириги декаданинг асосий муаммоларидан ҳисобланади. БМСИ да уйқу бузилишлари кўп ҳолларда эътиборсиз қолади, аҳоли эса қайси мутахассисга мурожаат этишни билмайди. ЖССТ ҳам ушбу долзарб мавзуга етарлича эътибор қаратгани йўқ. Ҳар куни аҳолининг 1/3 қисми ёки ундан кўпроғи уйқу бузилиши ва/ёки кундузги уйқучанликдан азият чекади, камида 10% аҳолида доимий уйқу муаммолари мавжуд. Бу клиник жиҳатдан аҳамиятли ва инсон саломатлигига салбий таъсир қилади, когнитив фаолият ва ишемик жараёнларни кучайтиради.

Жаҳонда БМСИ билан боғлиқ уйқу бузилишларини ўрганиш нафақат клиник аҳамиятга, балки илмий ва амалий аҳамиятга ҳам эга. БМСИ патогенезида уйқу ва унинг таркибий элементлари муҳим ўрин тутуди. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, уйқудаги аритмиялар, сурункали уйқу танқислиги ва циркад ритмларининг бузилиши миёдаги нейродегенератив жараёнларни тезлаштириши, когнитив функцияларни пасайтириши ва цереброваскуляр хавф омилларини кучайтириши мумкин. Шу боис, БМСИ билан боғлиқ уйқу бузилишларини эрта аниқлаш ва коррекция қилиш муаммоси нафақат неврология, балки тиббиётнинг кўплаб соҳалари учун долзарб масала ҳисобланади. Ҳозирги вақтда БМСИ билан кечувчи уйқу бузилишларини коррекция қилишга қаратилган стандарт терапия протоколлари етарлича ишлаб чиқилмаган. Мавжуд даво усуллари асосан симптоматик йўналтирилган бўлиб, улар уйқу сифати ва когнитив функцияларга таъсир этувчи аниқ механизмларни ҳисобга олмайди. Шу сабабли, БМСИ билан боғлиқ уйқу бузилишларини тизимли ўрганиш, уларнинг патогенезини аниқлаш ва мақсадли коррекция усулларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиёт олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларини эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва даволашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига

¹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/ageing-and-health>

малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда бош мия сурункали ишемиясида уйқу ва когнитив бузилишларни нейробиологик, нейровизуалогик ва баъзи биокимёвий хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 16 декабрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 27 сентябрдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги маълумотлар бўйича уйқу бузилишлари когнитив бузилишлар патогенезида асосий роль ўйнаши ва БМСИ кечишини оғирлаштиришини тасдиқлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уйқу етишмовчилиги ва унинг фрагментацияси гипоксик ва яллиғланиш жараёнларини келтириб чиқаради, бу эса нейродегенерацияни кучайтиради ва когнитив пасайишни тезлаштиради (Lim et al., 2014; Osorio et al., 2017). Уйқу архитектоникасининг бузилиши, айниқса секин тўлқинли уйқу ва REM-уйқу улушларининг камайиши когнитив жараёнлар учун муҳим бўлган префронтал қавати, гиппокамп ва мия оқ моддаси дисфункцияси билан боғлиқ (Mander et al., 2016). Бундан ташқари, циркад ритмларининг бузилишига алоҳида аҳамият берилади, чунки бу гипоталамо-гипофиз-бўйрак усти беши тизимининг бузилишига, инсулинга қаршилиқнинг ошишига ва глиал ҳужайраларнинг метаболик ўзгаришларига олиб келади, бу эса БМСИ билан оғриган беморларнинг когнитив функцияларига салбий таъсир кўрсатади (Musiek et al., 2015). БМСИ ҳолатида уйқу бузилишларини коррекциялаш масаласи етарлича ўрганилмаган. Анъанавий усуллар ўз ичига фармакотерапияни (мелатонин, седатив препаратлар, ацетилхолинэстераза ингибиторлари), номедикаментоз усулларни (уйқусизликка қарши когнитив

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

хулқ-атвор терапия, уйқудаги апноэ учун СИПАП-терапия) ва нейромодуляцияни (транскраниал магнит стимуляцияси, чуқур мия стимуляцияси) ўз ичига олади. Бироқ, бу усулларнинг самарадорлиги когнитив ва нейропротектор жараёнларга комплекс таъсири нуқтаи назаридан янада чуқур ўрганишни талаб қилади.

Республикамизда уйқу бузилишларига бағишланган тадқиқотлар кўпгина олимлар томонидан олиб борилган. Хусусан, церебрал инсультда уйқу бузилишлари (Б.Г.Гафуров, 1974), фармакорезистент эпилепсияда уйқу бузилишлари (Н.М.Туйчибаева, 2020), обструктив уйқу апноэсида сурункали мия ишемиясининг клиник ва патогенетик хусусиятлари (М.А.Алиева, 2023), Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг клиник кечиши доирасида уйқу бузилишлари хам (Б.А.Муминов, 2024) ўрганилган.

Шундай қилиб, мавжуд илмий тадқиқотлар сонининг кўплигига қарамай, уйқу бузилишининг мия ишемик жараёнларига таъсир механизми ва унинг мақсадли тузатилиши билан боғлиқ бир қатор ечимсиз масалалар сақланиб қолмоқда. Келажакдаги истиқболли йўналишлар орасида янги биомаркерларни излаш, глия ва қон-томир омилларининг ролини чуқурроқ ўрганиш ҳамда индивидуал терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5436-012000260 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли гуруҳлари саломатлик кўрсаткичларини тиббий-биологик, ижтимоий-гигиеник, экологик ва бошқа ҳаёт тарзи омиллари таъсири ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш орқали мажмуавий ўрганиш» (2021-2023 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бош мия сурункали ишемиясида мелатонин, уйқу ва когнитив фаолиятининг бузилишларининг ўзаро таъсирини аниқлаш ва мелатонин билан коррекция қилиш имкониятини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бош мия сурункали ишемиясининг турли босқичларида қонда мелатонин миқдорини аниқлаш;

бош мия сурункали ишемиясининг турли босқичларида уйқу ва когнитив фаолиятни баҳолаш учун сўровнома, шкалалар, когнитив чақирилган потенциаллар (Р300), полисомнографик маълумотлар асосида нейробиологик ва нейровизуалогик кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

бош мия сурункали ишемиясининг турли босқичларида когнитив бузилишлар, уйқу бузилишлари ва беморлар қон зардоби такрибидаги мелатонин миқдори ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

бош мия сурункали ишемиясида когнитив ва уйқу бузилишларида мелатонин дори воситасининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти уйқу бузилиши мавжуд БМСИ билан оғриган 146 бемор текширилди, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинган: 1-гуруҳ -

БМСИ I босқич 54 бемор; 2-гурух - БМСИ II босқич 34 бемор; 3-гурух - БМСИ III босқич 54 бемор. Шунингдек 30 нафар амалий соғломлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник неврологик текширув, нейропсихологик, нейровизуалогик текширув натижалари ва беморларнинг қон зардобини олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник-неврологик текширувлар; MMSE, MoCA шкаласи, пешона батарея тести, соат чизиш тестлари ёрдамида когнитив бузилишларни ўрганиш; Эпворт кундузги уйқучанлик шкаласи ва Питтсбург уйқу сифат шкаласи; когнитив чақирилган потенциалларни ўрганиш (КЧП P300); полисомнография (ПСГ); беморларнинг қон зардобини мелатонин миқдорини ўрганиш; статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бош миё сурункали ишемияси билан оғриган беморларда қон таркибидаги мелатонин миқдори амалий соғломларга нисбатан уйқу бузилиши сабабли 1,4 марта ва ундан кўп камайиши исботланган;

бош миё сурункали ишемияси кучайиб бориши билан когнитив фаолият сўровномалар ва P300 кўрсаткичлари бўйича ёмонлашиши, кундузги уйқучанликнинг ортиши, уйқу сифат индексининг пасайиши, полисомнографик маълумотлар бўйича уйқу архитектурасининг бузилиши (LPS латентлиги ортиши, NREM N3 латентлигининг ортиши ва улушининг камайиши, REM улушининг камайиши), ҳамда уйқу самарадорлигининг пасайиши аниқланган;

патогенетик қонуниятлар асосида бош миё сурункали ишемиясида уйқу ва когнитив функциялар бузилишларини тушунтирувчи “жадаллаштирувчи доира” оптималлаштирилган ва унинг марказий бўғини мелатонин миқдорининг камайиши билан боғлиқлиги исботланган;

бош миё сурункали ишемиясида уйқу бузилишларни мелатонин дори воситаси билан коррекция қилиш орқали холинергик тизимга ҳам ижобий таъсир қилиши сабабли когнитив бузилишларни ҳам яхшилашга эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бош миё сурункали ишемиясида клиник, нейропсихологик, нейровизуалогик ва биокимёвий текширув натижаларни инобатга олган ҳолда, когнитив ва уйқу бузилишларга дифференциал ёндошув мезонлари ишлаб чиқилган;

бош миё сурункали ишемиясида уйқу ва когнитив функциялар бузилишларини тушунтирувчи “жадаллаштирувчи доира” схемаси оптималлаштирилган;

бош миё сурункали ишемиясида уйқу ва когнитив бузилишларни коррекция қилишда мелатонин дори воситасини қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланиш, илмий тадқиқотларни олиб боришнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник-неврологик, нейрофизиологик ва лаборатор текширув усулларига асосланади. Олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, статистик қайта

ишловдан олинган натижаларнинг ишончлиги ҳам тадқиқотнинг ишончли эканини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятли томони шундан иборатки, бош мия сурункали ишемиясида аниқланган корреляцион ўзаро боғланишлар асосида “жадаллаштирувчи доира”нинг патогенетик қонуниятлари қондаги мелатониннинг миқдори камайиши ($r=-0,48$), бу уйқу ва когнитив бузилишларини кучайиши (MoCA $r=0,78$; MMSE $r=0,87$; P300 $r=0,85$) билан намоён бўлиши ва мелатонин миқдорининг камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бош мия сурункали ишемиясида тавсия этилаётган когнитив ва уйқу бузилишлари учун махсус сўровномалар, когнитив чақирилган потенциаллар (P300), полисомнографик текширув усуллари уйқу ва когнитив бузилишларни тўғри ташҳислаш имконини бериши, шунингдек ушбу муаммоларни коррекция қилишда мелатонин дори воситасининг самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бош мия сурункали ишемиясида уйқу бузилишининг когнитив фаолиятга таъсири ва уни коррекциялаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: бош мия сурункали ишемияси билан оғриган беморларда қон таркибидаги мелатонин миқдори амалий соғломларга нисбатан уйқу бузилиши сабабли 1,4 марта ва ундан кўп камайиши исботланганлиги Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 октябрдаги 10-23/133-т сон билан тасдиқланган «Бош мия сурункали ишемиясида уйқу бузилишини когнитив фаолиятга таъсири» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар “Билол мед” клиникаси 2024-йил 16-апрелдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар “Асаб ва руҳият” клиникасининг 2024-йил 12-январьдаги 1-сонли буйруғи билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/93 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* Татбиқ этиш натижалари уйқу бузилишларини аҳоли ўртасида касалликни эрта аниқлашга ва профилактика чора-тадбирларини ўтказиш учун ёрдам беради. Беморлар саломатлигининг қайта тикланиши ҳамда касалликни кучайишини олдини олиб, ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилайтиди. *Иқтисодий самарадорлик:* Агар аҳолининг аксарият қисми шифохоналарда йўлланма асосида даволанишини ҳисобга олсак, бундай беморлар йилига ўртача 2 марта даволанади ва ҳар бир бемор учун 10 кунлик даволаниш учун ўрта ҳисобда 5 миллион сўм сарфланади деб ҳисобланса, у ҳолда куйидаги миқдорда сақланиб қолади (15 бемор учун): Жамғариладиган умумий маблағ= $5000000 \cdot 15=75000000$ сўм. Юқорида жамғариб қолинган маблағ бу қўлга тегадиган маблағ эмас (яширин даромад). Аммо жамғарилган маблағни оғир патологияли беморларни текшириш ва даволаш ёки касалликларни профилактикаси учун сарфлаш мумкин. *Хулоса:* мелатониннинг қондаги миқдорини аниқлаш невролог врачларга уйқу бузилишларини аниқлашга ёрдам беради, уйқу бузилишларини коррекциялаш беморлар ҳаёт сифатини

яхшиланишига ҳамда уйқу муаммоларини камайиштириб, яқунда давлат учун улкан иқтисодий самарадорликка олиб келади.

иккинчи илмий янгилик: бош мия сурункали ишемияси кучайиб бориши билан когнитив фаолият сўровномалар ва P300 кўрсаткичлари бўйича ёмонлашиши, кундузги уйқучанликнинг ортиши, уйқу сифат индексининг пасайиши, полисомнографик маълумотлар бўйича уйқу архитектурасининг бузилиши (LPS латентлиги ортиши, NREM N3 латентлигининг ортиши ва улушининг камайиши, REM улушининг камайиши), ҳамда уйқу самарадорлигининг пасайиши аниқланганлиги Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 октябрьдаги 10-23/133-т сон билан тасдиқланган «Бош мия сурункали ишемиясида уйқу бузилишини когнитив фаолиятга таъсири» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар «Билол мед» клиникаси 2024-йил 16-апрелдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар «Асаб ва руҳият» клиникасининг 2024-йил 12-январьдаги 1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрьдаги 07/93 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* Татбиқ этиш натижалари уйқу бузилишларини жумладан, уйқу бузилишлари баҳолаш, дифференциал ташхислаш ёрдамида аҳоли ўртасида касалликни эрта аниқлашга ва профилактика чора-тадбирларини ўтказиш учун ёрдам беради. Беморлар саломатлигининг қайта тикланиши ҳамда касалликни кучайишини олдини олиб, ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилайти. *Иқтисодий самарадорлик:* Мазкур касаллик билан поликлиникаларга кунлик невролог қабулига кунига уйқу бузилиши билан битта невропатологга ўртача 3 та бемор бундай шикоят билан келишини ҳисобга олсак бир ойда бундай беморлар сони ойига 75 тани йилига 900 ташкил этади. Касалликка тўғри ташхис қўйилса невролог қабулига мурожаатлар 3-4 барабар камаяди. Агар мурожаатлар сонини ҳар бир беморга ажратилган 15 дақиқага кўпайтирсак битта невропатолог учун бир йилда тежаладиган иш соати келиб чиқади (T_1): $T_1 = 15 * (900 - 300) = 9000$ дақиқа = 150 иш соати Агар поликлиникалар сони Республикамизда 2500 дан ортиқлигини ҳисобга олсак умумий тежаладиган вақт (T_y): $T_y = 2500 * 150 = 375\ 000$ иш соати. Назарий жиҳатдан бу невролог мутахассис учун тўланадиган ўртача иш ҳақи 2000000 деб ҳисобланда тахминан қуйидаги сумма тежалади: Умумий тежалган даромад = $(375\ 000 / 144) * 2000000 = 5,2$ млрд сўм. Юқоридаги тежаб қолинган маблағ давлат ғазнасига тушадиган пул эмас (бу яширин даромад). Аммо тежалган иш вақтини оғир патологияли беморлар кўригига йўналтириш ёки аҳоли саломатлиги профилактикасига йўналтириш мумкин. Бу эса бошқа касалликларнинг камайиши ва уларга сарфланадиган маблағнинг тежалишига олиб келади. *Хулоса:* бош мия сурункали ишемиясида когнитив статусга таъсир қилади ва бу маълумот шифокор неврологга беморнинг даволаш тактикасини тузишда муҳим ҳисобланади. Янгиликнинг қўлланилиши беморлар когнитив ҳолатини яхшиланишига олиб келди, ҳаёт сифатини оширди ва натижада иқтисодий самарадорликка эришилган.

учинчи илмий янгилик: патогенетик қонуниятлар асосида бош мия сурункали ишемиясида уйқу ва когнитив функциялар бузилишларини тушунтирувчи “жадаллаштирувчи доира” оптималлаштирилган ва унинг марказий бўғини мелатонин миқдорининг камайиши билан боғлиқлиги исботланганлиги Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 октябрдаги 10-23/133-т сон билан тасдиқланган «Бош мия сурункали ишемиясида уйқу бузилишини когнитив фаолиятга таъсири» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар “Билол мед” клиникаси 2024-йил 16-апрелдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар “Асаб ва руҳият” клиникасининг 2024-йил 12-январьдаги 1-сонли буйруғи билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/93 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* Татбиқ этиш натижалари мелатониннинг қондаги миқдорини аниқлаш, когнитив ва уйқу бузилишларини эрта ташхислаш ёрдамида аҳоли ўртасида касалликни эрта босқичлари аниқлашга ва профилактика чора-тадбирларини ўтказишга ёрдам беради. Беморлар саломатлигининг қайта тикланиши ҳамда касалликни кучайишини олдини олиб, ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилади. *Иқтисодий самарадорлик:* Мазкур касаллик билан поликлиникаларга кунлик невролог қабулига кунига уйқу бузилиши билан битта невропатологга ўртача 3 та бемор бундай шикоят билан келишини ҳисобга олсак бир ойда бундай беморлар сони ойига 75 тани йилига 900 ташкил этади. Касалликка тўғри ташхис қўйилса невролог қабулига мурожаатлар 3-4 баравар камаяди. Агар мурожаатлар сонини ҳар бир беморга ажратилган 15 дақиқага кўпайтирсак битта невропатолог учун бир йилда тежалладиган иш соати келиб чиқади $(T1): T1 = 15 * (900 - 300) = 9000$ дақиқа = 150 иш соати Агар поликлиникалар сони Республикамизда 2500 дан ортиқлигини ҳисобга олсак умумий тежалладиган вақт $(T_u): T_u = 2500 * 150 = 375000$ иш соати Назарий жиҳатдан бу невролог мутахассис учун тўланадиган ўртача иш ҳақи 2000000 деб ҳисобланда тахминан қуйидаги сумма тежалади: Умумий тежалган даромад $= (375000 / 144) * 2000000 = 5,2$ млрд сўм. Ушбу тежаб қолинган маблағ давлат ғазнасига тушадиган пул эмас (бу яширин даромад). Аммо тежалган иш вақтини оғир патологияли беморлар кўригига йўналтириш ёки аҳоли саломатлиги профилактикасига йўналтириш мумкин. Бу эса бошқа касалликларнинг камайиши ва уларга сарфланадиган маблағнинг тежалишига олиб келади. *Хулоса:* келтирилган “жадаллаштирувчи доира” схемаси шифокорларни янги илмий маълумотлар билан қуроллантиради. Ушбу илмий маълумотлар даволашга яна ҳам дифференциал ёндашишга имкон беради, натижада беморлар аҳволини яхшиланишига олиб келади ва натижада иқтисодий самарадорликка эришилади.

тўртинчи илмий янгилик: бош мия сурункали ишемиясида уйқу бузилишларни мелатонин дори воситаси билан коррекция қилиш орқали холинергик тизимга ҳам ижобий таъсир қилиши сабабли когнитив бузилишларни ҳам яхшилашга эришилганлиги Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 октябрдаги 10-

23/133-т сон билан тасдиқланган «Бош мия сурункали ишемиясида уйқу бузилишини когнитив фаолиятга таъсири» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар “Билол мед” клиникаси 2024-йил 16-апрелдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар “Асаб ва руҳият” клиникасининг 2024-йил 12-январьдаги 1-сонли буйруғи билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрьдаги 07/93-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* мелатонин препаратининг қўлланилиши беморлар уйқусини яхшилади, когнитив бузилишларни коррекциялашда ижобий таъсир кўрсатади. Натижада беморлар саломатлигининг қайта тикланиши ҳамда касалликни кучайишини олдини олиб, ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилади. *Иқтисодий самарадорлик:* Агар аҳолининг аксарият қисми шифохоналарда йўлланма асосида даволанишини ҳисобга олсак, бундай беморлар йилига ўртача 2 марта даволанади ва ҳар бир бемор учун 10 кунлик даволаниш учун ўрта ҳисобда 5 миллион сўм сарфланади деб ҳисобланса, у ҳолда қуйидаги микдорда сақланиб қолади (15 бемор учун): Жамғариладиган умумий маблағ=5000000*15=75000000 сўм. Ушбу жамғариб қолинган маблағ бу қўлга тегадиган маблағ эмас (яширин даромад). Аммо жамғарилган маблағни оғир патологияли беморларни текшириш ва даволаш ёки касалликларни профилактикаси учун сарфлаш мумкин. *Хулоса:* БМСИ да мелатонин препарати қўлланилиши “жадаллаштирувчи доира” ни узади, уйқу бузилишлари ва когнитив статусни яхшилади. Натижада беморлар аҳволи яхшиланади, ҳаёт сифати ортади. Бу эса давлат учун улкан иқтисодий самарадорликка олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бош мия сурункали ишемиясининг уйқу бузилиши ва когнитив фаолиятга таъсири ҳақида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда бош мия сурункали ишемиясида уйқу бузилишлари тури, этиологияси, ва ушбу ўзгаришларнинг когнитив фаолиятга таъсири ҳамда уйқу бузилишларини коррекциялашда мелатониннинг таъсири батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Бош мия сурункали ишемиясида уйқу ва когнитив ҳолатни баҳолаш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тегишли беморлар ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, “Shox International hospital” ва “General Med Standart” неврологик клиникалари бўлимларида стационар ва амбулатор шароитда даволанаётган 146 нафар бош мия сурункали ишемияси билан оғриётган ва уйқу бузилишлари бор бўлган беморлар рўйхатга олинган. Назорат гуруҳи 30 нафар амалий соғломлар танлаб олинган. Умумий 146 нафар беморлар текширувдан ўтказилган. Беморларнинг 61 нафари (42%) эркак ва 85 нафари (58%) аёлларни ташкил этган. Ўртача ёши $56,5 \pm 12,3$ ни (эркакларда $55,9 \pm 14,2$ ёш, аёлларда $56,5 \pm 10,8$ ёшни) ташкил этган. Тадқиқотга киритиш меъзонлари куйидагилар: ташхиси клиник, нейровизуализациони усуллар ёрдамида (МРТ, Допплер текшируви) тасдиқланган беморлар, тадқиқотда қатнашишга розилик берган беморлар. Истисно меъзонлари: рақобатдош ёки ёндош оғир даражадаги патологиянинг мавжудлиги; саратон мавжудлиги; аутоиммун ва юқумли касалликлар; эндокрин касалликлар (аутоиммун тиреоидит, эндемик қалқонсимон буқоқ ва бошқалар); беморнинг тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиши. Тадқиқотга киритилган беморлар тўлиқ клиник-неврологик текширувдан ўтказилди. Барча текширилувчиларда тадқиқотчи томонидан невростатус текширилди ва олинган натижалар таҳлил қилинди. Беморлардаги инсулт ва бошқа патологияларни истисно қилиш мақсадида қўшимча равишда инструментал текширувлардан МРТ қўлланилди.

Ушбу илмий тадқиқот ишида куйидаги клиник-психологик шкалалар ва сўровномалар қўлланилди: Эпвортнинг кундузги уйқучанлик шкаласи, уйқу сифат индекси учун Питтсбург сўровномаси, MMSE, MoCA, соат чизиш тести ва пешона батарея тести. Инструментал текширув усулларида: когнитив чақирилган потенциал Р300 ва полисомнографиядан фойдаланилди (ПСГ). ПСГ “Нейрон спектр-5” аппаратида стандарт методика бўйича ўтказилди.

Лаборатория тадқиқоти куйидагиларни ўз ичига олди: тунда олинган қон зардобиди мелатонин миқдорини иммунофермент таҳлил (ИФТ) усулида ELISA Kit (Elabscience, АҚШ) реактиви ёрдамида текширилди.

Тадқиқот натижалари статистик қайта ишлашда «Statsoft 10.0», персонал компьютернинг Microsoft Office Excell-2019 амалий дастур мажмуасидан фойдаланилди. Ўртача қийматларни таққослаш тиббий-биологик маълумотларнинг тарқалишини ўрганишнинг стандарт усуллари асосида амалга оширилди. Иккита мустақил гуруҳни сонли белгилар бўйича таққослаш учун Студентнинг t-критерийи (агар маълумотлар нормал тақсимланган бўлса) ёки Манн-Уитнинг U-критерийи (бошқа турдаги тақсимланиш учун) қўлланилди. Олинган натижаларнинг ишончилигини баҳолаш учун тиббиётда кенг қўлланиладиган $p < 0,05$ мезони қабул қилинди. Турли кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун корреляцион таҳлил усули қўлланилди. Боғлиқликларнинг кучи Пирсон корреляция коэффициентлари билан баҳоланди. Боғлиқликларнинг йўналиши эса бу коэффициентларнинг ишораси билан аниқланди.

Диссертациянинг «**Клиник лаборатория ва инструментал текширув натижалари**» деб номланган учинчи бобида бош мия сурункали ишемиясида неврологик статус, қондаги мелатонин миқдори, уйқу бузилишлари ва когнитив статус ўрганиб чиқилди. Асосий гуруҳ беморлар касаллик босқичи бўйича 3 гуруҳга бўлиб ўрганилди. Бундан ташқари қондаги мелатонин миқдорига кўра шартли 3 гуруҳга бўлиб ўрганилди.

Клиник материал БМСИ нинг турли босқичли 146 та беморлар келтирилди. Кузатилган материаллар шуни кўрсатмоқдаки БМСИ нинг энг кўп учраган сабаби бўлиб церебрал атеросклероз (41,1%, $n=60$), ундан камроқ холда артериал гипертензия (23,9%, $n=35$) ва уларнинг биргаликда келиши (26%, $n=38$) бўлди. Қуйида БМСИ турли босқичларида уйқуга бўлган шикоятлар келтирилган.

1-жадвал.

БМСИ турли босқичларида шикоятлар

Шикоят	Касаллик босқичи							
	БМСИ 1 $n=54$		БМСИ 2 $n=38$		БМСИ 3 $n=54$		Жами $n=146$	
	n	%	n	%	n	%	n	%
Уйқуга кетишни қийинлиги	36	66,7%	9	23,7%	26	48,1%	71	48,6%
Ёмон уйқу	36	66,7%	27	71,1%	31	56,5%	94	64,4%
Кечаси кўп уйғониш	23	42,6%	17	44,7%	12	22,2%	52	35,6%
Уйқусизлик	5	9,3%	12	31,6%	23	42,5%	40	27,4%

Тадқиқотимизда барча гуруҳ беморларда мелатонин миқдори ўрганилди ва қуйидаги натижалар олинди: 8 та беморда нормал миқдордаги мелатонин аниқланди (референт миқдор 180 пг/мл), колган беморлар 2 гуруҳга бўлинди бунда мелатониннинг қондаги миқдори 100 пг/мл гача пасайган беморлар 16 та (20%) беморларни ташкил этди, колган 64 та (70%) беморларда мелатониннинг миқдори 100 пг/мл дан кам бўлди.

Уйқунинг объектив кўрсаткичларини солиштириш натижасида асосий гуруҳда барча ўрганилган кўрсаткичларда назорат гуруҳига нисбатан

ишончли бузилиш аниқланди. Беморларнинг аксариятида уйқунинг самарадорлиги, турғун уйқуга киришнинг бузилиши (LPSнинг ошиши) ва, айниқса, уйқуни сақлаб қолишнинг бузилиши (WDSнинг ошиши) туфайли пасайган. Сурункали уйқусизликка чалинган беморларда уйқу тузилишида чуқур уйқу босқичлари ва REM уйқунинг давомийлиги камайган.

2-жадвал.

Контрол ва асосий гуруҳлар ўртасида полисомнографик кўрсаткичлар

Кўрсаткич	Гуруҳ				P
	(Назорат гуруҳи) n=20		(Асосий гуруҳ) n=146		
	M	M	M	m	
TST, min	410,8	40,4	335,1	60,5	<0,05
TST/TIB*100%	90,2	4,31	85,2	6,6	<0,05
LPS, min	12,2	6,4	46,2	11,8	<0,05
WDS, min	37,4	17,1	37,8	17,6	<0,05
Уйқу босқичлари					
NREM N1, %	22,2	12,6	31,6	18,2	<0,05
NREM N2, %	43,4	13,4	34,5	17,7	<0,05
NREM N3, %	19,4	7,7	15,6	9,1	<0,05
REM, %	11,48	6,6	9,1	2,9	<0,05
Уйғонишлар сони	13,3	8,2	20,6	7,7	<0,05

Шунингдек, асосий гуруҳдаги беморларнинг уйқунинг объектив хусусиятларини қондаги мелатонин концентрациясига қараб таққослаш амалга оширилди.

3-жадвал.

Қондаги мелатонин миқдориغا кўра полисомнографик кўрсаткичлар

Кўрсаткич	Гуруҳ						P
	Мелатонин >180 пг/мл n=8		Мелатонин 180-100 пг/мл n=16		Мелатонин <100пг/мл n=56		
	M	m	M	m	M	m	
TST, мин	369,7	43,2	314,3	64,0	335,6	58,4	<0,05
TST/TIB*100%	90,5	5,2	86,8	4,2	79,3	12,2	<0,05
LPS, мин	46,7	7,9	46,8	15,6	45,4	12,3	<0,05
WDS, мин	16,9	11,6	31,6	17,6	38,2	18,4	<0,05
Уйқу босқичлари							
NREM N1, %	30,6	16,7	29,7	17,1	34,4	19,9	<0,05
NREM N2, %	40,6	21,3	42,2	13,6	30,8	17,5	-
NREM N3, %	11,9	7,1	14,7	8,8	13,3	7,8	<0,05
REM уйқу, %	9,4	1,5	9,6	3,7	6,5	3,8	<0,05
Уйғонишлар сони	23,6	6,0	20,4	8,5	21,2	8,4	<0,05

Қондаги мелатонин миқдори 180 пг/мл дан юқори бўлган беморларда фақат субъектив бузилишлар аниқланди, объектив кўрсаткичларда эса ўзгаришлар топилмади. Иккинчи гуруҳ беморларда асосан циркад ритми бузилиши билан боғлиқ бўлган уйқуга кириш бузилишлари аниқланди.

Учинчи гуруҳ беморларида эса уйқуга кириш ва уйқуни сақлаш бузилиши, чуқур уйқу ва REM уйқу давомийлигининг қисқариши, шунингдек, REM уйқуда хатти-ҳаракат бузилишлари кузатилди.

Беморларнинг когнитив ҳолати махсус сўровномалар ва когнитив чақирилган потенциаллардан P300 усулидан фойдаланилди ва натижалар таҳлил қилинди.

4-жадвал.

БМСИ касаллик босқичи бўйича когнитив ҳолати кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	БМСИ 1 (M±m)	БМСИ 2 (M±m)	БМСИ 3 (M±m)
MMSE, балл	26,12±1,97	26,47±2,42	24,74±3,44°•
MoCA, балл	27,14±2,15	27,42±2,01	24,11±3,36°•
Соат чизиш тести, балл	8,83±0,86	9,52±0,49°	8,74±0,65 •
Пешона батарея тести, балл	16,77±1,76	17,61±0,64 °	15,7±1,63°•

Изоҳ: °- $p < 0,05$ БМСИ 1 ва БМСИ 2,3 гуруҳлар учун; •- $p < 0,05$ БМСИ 2 ва БМСИ 3 учун

Текширув натижасида когнитив фаолият касаллик босқичи ортган сари когнитив фаолият ёмонлашиб бориши аниқланди.

Беморларнинг когнитив фаолиятини аниқлаш мақсадида ўтказилган когнитив чақирилган потенциаллар шуни кўрсатдики, касаллик босқичи ортиши билан беморларда P300 латентлик даври ишончли ($p < 0,05$) узая боради. Бу эса ўз навбатида бош мия структураларидан импульслар ўтиши секинлашиб боришидан далолат беради.

5-жадвал.


БМСИ касаллик босқичи бўйича КЧП P300 кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Контрол гуруҳ (M±m)	БМСИ 1 (M±m)	БМСИ 2 (M±m)	БМСИ 3 (M±m)
P300 латентлик	326,63±10,12	340,16±8,96*	367,98±9,46*°	375,77±15,17*°•

Изоҳ: *- $p < 0,05$ контрол гуруҳ ва БМСИ 1,2,3 гуруҳлар учун; °- $p < 0,05$ БМСИ 1 ва и БМСИ 2,3 гуруҳлар учун; •- $p < 0,05$ БМСИ 2 ва БМСИ 3 учун


Корреляцион боғланиш кўрсаткичларини ифодалаш учун биз уларни шартли равишда БМСИ умумий беморлар учун – r, БМСИ 1-босқич учун – r1, БМСИ 2-босқич беморлар учун – r2 ва БМСИ 3-босқич беморлар учун – r3 деб шартли белгилаб олдик ва бундан кейин шундай ифодаланади.

Бизнинг кейинги изланишимиз мелатонин ва уйқу кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш бўлди. Бунда мелатонин полисомнографик кўрсаткичлар билан ўртача тўғри корреляцион боғланишни кўрсатди.



1-расм. БМСИ турли босқичларида мелатонин ва уйқу бузилишлари кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликлар схемаси

Уйқуни баҳоловчи сўровномалар кўрсаткичларидан Питтсбургнинг уйқуни баҳоловчи сўровномаси ва уйқудаги апноэ/гипопноэ индекси билан ўртача тўғри ($r = 0,35$) боғланиш аниқланиб БМСИ касаллик босқичи ортиши билан боғланиш кучи ҳам ортиб ўртача тўғри корреляцион боғланишга ($r_1 = 0,01; r_2 = 0,31; r_3 = 0,63$) ўзгариб борди. Бундай тенденция SpO₂ ва апноэ/гипопноэ индекси (ИАГ) ўртасида ҳам кузатилди ($r = -0,43$ ($r_1 = 0,09; r_2 = -0,41; r_3 = -0,47$)).




2-расм. БМСИ турли босқичларида мелатонин ва когнитив бузилишлари кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликлар схемаси.

Эпвортнинг кундузги уйқучанлик фазаси REM фаза билан ўзаро ўртача тескари боғланиш ($r=-0,38$) борлигини аниқланди, ammo фақат БМСИ иккинчи босқичида бу боғланиш кучайганини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, мелатониннинг пасайиши уйқу бузилишларида SpO_2 ($r=0,53$) ва ИАГ билан кучлироқ ($r=-0,51$) ва уйқуни баҳоловчи сўровномалардан Питтсбург сўровномаси билан кучлироқ ($r=-0,41$) боғланди.

Бундан ташқари, когнитив кўрсаткичлар ҳам ўз ўрнида уйқуни баҳоловчи кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқликка эга.

Кейинги татқиқотларимиз шуни кўрсатдики, БМСИ касаллик босқичи ортиши билан қонда мелатонин миқдори камаяди ҳамда когнитив бузилишлар ёмонлашишига олиб келади. Бунда қуйидаги схемадаги кўрсаткичларга таъсир қилди.



3-расм. Мелатонин ҳамда барча кўрсаткичлар ўзаро боғлиқлик патогенетик схемаси

БМСИ да биринчи навбатда мелатонин миқдори камаяди, бу уйқуга кетиш вақти узайиши, юқорида кўрсатиб ўтилган юзаки уйқу 1- ва 2- босқичлари улуши ортишига (мос равишда $r3=0,36$ ва $r3=0,36$), REM уйқу камайиши ($r=0,39$), уйқу сифат кўрсаткичи пасайишига ($r=0,37$), SpO_2 камайиши ($r=0,53$), кундузги уйқучанликнинг ошишига ($r=-0,41$) олиб келади. Шунингдек мелатониннинг камайиши бош миёда ишемиянинг кучайиб бош миёда импульслар ўтказувчанлиги секинлашиши (P300 учун $r=-0,48$), когнитив фаолиятни пасайишига олиб келади (MMSE учун $r=0,36$; МОСА учун $r=0,3$; ПБТ учун $r=0,35$).

Барча олинган маълумотларни умумлаштирган ҳолда, бош мия сурункали ишемиясида касаллик босқичи ортиши қонда мелатониннинг камайишига олиб келади. Ўз навбатида эса мелатониннинг камайиши уйқу бузилишларини келтириб чиқаради, шу билан бир қаторда когнитив фаолиятга билвосита таъсир қилади. Бир томондан юзага келган уйқу бузилишлари когнитив фаолиятни ёмонлашишига олиб келса, бошқа томондан когнитив фаолият бузилиши уйқу патологияларига таъсир қилади. Юзага келган уйқу бузилишлари ва когнитив бузилишлар бош мияда ишемик жараён кучайишига олиб келади. Натижада патогенезнинг марказида асосий ўринни мелатонин эгаллаган “жадаллаштирувчи доира” нинг ривошланишига олиб келади.

Диссертациянинг «Мелатонин препаратининг бош мия сурункали ишемияси, уйқу бузилиши ва когнитив бузилишларни коррекциялашда самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида мелатонин касаллик босқичлари бўйича бўлинган беморлар ўз навбатида яна икки гуруҳга бўлинди ва биринчи гуруҳга мелатонинг препарати берилди ва иккинчи гуруҳ натижалари билан ўзаро таққосланди.

Беморлар даводан сўнг қайта текширилганда уйқуни баҳоловчи сўровномалар натижаларига кўра мелатонин қабул қилган асосий гуруҳ беморларда кундузги уйқучанликнинг ишончли камайиши ($p < 0,05$) аниқланди. Беморларнинг уйқуси даводан олдин ва даводан сўнг полисомнографик текширилди ва таққослама таҳлили ўтказилди. Аввал уйқунинг фазалари улушлари ўрганилиб, солиштирилди.

БМСИ I гуруҳ – асосий гуруҳ беморларда даводан сўнг REM фазада деярли сезиларли ўзгаришлар аниқланмади (мос равишда $9,2 \pm 3,15$ ва $9,13 \pm 3,04$). Худди шундай ҳолат NREM N1 ва NREM N3 ҳам кузатилди. NREM N2 да эса биров яхшиланиш кузатилди ($41,75 \pm 18$ ва $43,37 \pm 15,18$).

б-жадвал.

Уйқуни баҳоловчи шкалаларнинг даводан олдин ва кейинги кўрсаткичлари

Сўровномалар	Питтсбург шкаласи		Эпворт шкаласи	
	Даводан олдин	Даводан сўнг	Даводан олдин	Даводан сўнг
Асосий гуруҳ				
БМСИ I	$5,16 \pm 2,29$	$5,38 \pm 2,11$	$3,94 \pm 3,38$	$3,48 \pm 2,71^{*o}$
БМСИ II	$4,55 \pm 2,22$	$4,29 \pm 1,87$	$6,32 \pm 5,71$	$4,05 \pm 3,67^*$
БМСИ III	$5,34 \pm 2,61$	$4,35 \pm 2^{*o}$	$4,16 \pm 4,39$	$3,13 \pm 2,64^{*o}$
Таққослама гуруҳ				
БМСИ I	$4,65 \pm 2,3$	$5,12 \pm 1,75$	$7,47 \pm 4,51$	$6,91 \pm 3,94$
БМСИ II	$5,24 \pm 2,23$	$4,96 \pm 1,88$	$4,19 \pm 3,78$	$4,06 \pm 3,51$
БМСИ III	$5,61 \pm 2,57$	$5,38 \pm 2,28^*$	$18,13 \pm 2,28$	$14,04 \pm 2,64^*$

Изоҳ: $*-p < 0,05$ даводан олдин ва даводан кейинги натижалар учун; $^o-p < 0,05$ Асосий ва таққослама гуруҳнинг даводан кейинги натижалари учун

БМСИ II гуруҳ – БМСИ I дан фарқли равишда REM, N3 улушлари ортганини кўришимиз мумкин (мос равишда $9,99 \pm 2,7$ ва $16,49 \pm 3,42$). NREM N1 ва N2 улушларида эса сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

БМСИ III – бу босқич беморларда уйқу структурасидан REM фаза улуши статистик 6.65% дан 7.63% гача статистик ($p < 0.05$) ортди. Бундай статистик яхшиланиш N2 (26,95±15,27 ва 30,7±10,91) ва N3 (10,69±3,27 ва 13,66±2,3) да ҳам кузатилди ва беморлар уйқуси яхшиланишига олиб келди.

